



## SOME OPINIONS ON RELIGIOUS VIEWS IN THE OASIS OF ANCIENT KHOREZM

***Kh. A. Palvanov***

*Lecturer*

*National University of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Zoroastrianism, Aryanam Vaedjo, fire station, Erkqal'a, Elkendepa, Khumbuztепа, Talashkan, Kuchuktепа, Khashtabad, Anahita, Mitra, Elkharos.

**Received:** 07.06.24

**Accepted:** 09.06.24

**Published:** 11.06.24

**Abstract:** the article talks about some reflections on religious views on antiquity in the oasis of ancient Khorezm and talks about the Zoroastrian religion and its peculiarities, which were formed and developed in Central Asia from time immemorial and revered by our ancestors.

## ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ВОҲАСИДАГИ ДИНИЙ ҚАРАШЛАРГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

***Х. А. Палванов***

*ӯқитувчи*

*Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Зардуштийлик, Арианам Вайджо, Оташгоҳ, Эркқалъа, Элкенде, Хумбузтепа, Талашкан, Кучуктепа, Хаштобод, Анахита, Митра, Элхарос.

**Аннотация:** Мақолада Қадимги хоразм воҳасидаги антик даврига доир диний қарашларга оид баъзи мулоҳазалар тўғрисида сўз юритилиб, Марказий Осиёда қадимдан шаклланиб ривожланиб аждодларимиз томонидан эъзозланиб келинган зардуштийлик дини ва унинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтилган.

## НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О РЕЛИГИОЗНЫХ ВОЗЗРЕНИЯХ В ОАЗИСЕ ДРЕВНЕГО ХОРЕЗМА

***Х. А. Палванов***

*преподаватель*

*Национальный университет Узбекистана  
Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Зороастризм, Арианам Вайджо, Аташгах, Эрккала, Элькендепе, Хумбузтепе, Талашкан, Кучуктепе, Хаштабад, Анахита, Митра, Елхарас.

**Аннотация:** В статье излагаются некоторые предположения о религиозной обстановке в оазисах Хорезма в эпоху античности. В частности, раскрывается тема бытования здесь зороастризма и рассматриваются его локальные особенности, которые формировались у наших предков с древнейших времён на территории Центральной Азии.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олади. Цивилизация белгиларини асрар-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган дехқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асрар-авайлаш ҳам шунчалик мухимдир. Ер, ҳаво, сув ва олов (куёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозлаб келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган деб ҳаққоний гапни қайд қилганини эслаш ўринли [1].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Қадимги Хоразм воҳасидаги археологик тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган ашёвий далиллар ҳудуд аҳолисининг қадимий диний эътиқодлари ва урф-одатларини ёритиб берувчи энг асосий манба ҳисобланади. Топилган асори-атиқалар мажмуаси Қадимги Хоразм аҳолиси тарихида илк дин сифатида шаклланган зардуштийликнинг асл ватанларидан бири эканлигини яққол намоён этади. Куйида биз бу фикрларимизни археологик материаллар ёрдамида асослашга ҳаракат қиласиз. Тарих фанида “Катта Хоразм” гипотезаси билан бирга Авесто китобида зардуштийликнинг илк ватани сифатида тилга олинган Арианам Вайджо мамлакатининг жойлашган ўрни хусусидаги масала ҳам пайдо бўлган эди. Кўпчилик хорижий ва маҳаллий шарқшунос олимлар (В.Тарн, И.Маркварт, И.Бенвенист [2], В.В.Бартолд, В.Б.Хенning, И.Гершевич [3], В.Ҳинц [4], С.П.Толстов [5], Б.Ф.Гофуров [6], В.И.Абайев [7], М.Дяконов [8], М.Г.Воробева [9], А.С.Сагдуллаев) [10] Арианам Вайджони Хоразмга қиёслаганлар. Чунки бундай деб ҳисоблашга қатор асослар ҳам бор.

Хоразмда М.А.Итина олиб борган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, оташгоҳлар яrim ертўла марказида жойлашиши давом этган [11]. Оташгоҳлар биноларнинг асосан марказий қисмида жойлашган. Эътиқод қилувчилар олов атрофида тўпланишиб зардуштийликда муқаддас саналган ваъзларни айтишиб ибодат қилганлар.

Шимолий Бақтрияда оташгоҳларнинг жойлашиши, уларнинг меъморий жиҳатидан тузилиши А. Асқаров тадқиқотларида ўз аксини топган [12]. Темир даврига келганда эса оташгоҳлар алоҳида марказ сифатида фаолият олиб борганлар. Мазкур даврга оид манзилгоҳлар қуёш тимсолида қурилиб, диний-мафкуравий марказга айланганлар. Жанубий Туркманистонда Эрккалъа, Елкендепа мисолида қуёшни тасаввур этиш мумкин [13]. Шимолий Бақтрияда Талашкан, Кучуктепа, Хаштобод, Жондавлат қуёш тимсолида аҳоли томонидан бино қилиниб, диний-мафкуравий вазифаларни бажарган. Бу даврдаги ибодат қилувчилар зардуштийликнинг энг олий худоси Ахурамаздани қуёш тимсолида кўриб сиғинган бўлишлари ҳам ҳақиқатга яқинроқдир.

Хоразмнинг аҳоли турар жойларида оташгоҳлар ҳам алоҳида марказ сифатида ажralиб чиққан. Бундай оташгоҳ Кўзалиқирда ўрганилганлиги маълум [14]. Милоддан аввалги V-IV асрларда Хоразмда диний-мафкуравий марказлар алоҳида ва шаҳар ички қисмининг алоҳида қурилиши кенг тус олган. Мустақиллик йилларида Хоразмда Оқшаҳонқалъа, Хумбузтепада, Сурхон воҳасида Қоратепа, Фаёзтепаларда олов билан боғлиқ ибодатхоналар ўрганилган.

1939-йилда олиб борилган дастлабки қазишма ишлари муносабати билан “Олов уйлар” ўрганилган [15]. 1963-1964 йилларда Хоразм экспедицияси Ёнбошқалъада археологик изланишларни давом эттирганлар. Ёдгорликнинг ички тузилиши ва қайта ишланган расмига назар солсак дарвоза олдидан бошланган марказий кўча охирида оловли ибодатхона жойлашган бўлиб, қалъа мудофаа деворидан анча баланд бўлган. Иншоот ўртасида мавжуд бўлган супада оловхона қурилган бўлиб, олов доимо ёниб турган. Ибодатхона ички девори яқинида узун супа, ибодат қилувчиларнинг диний урф-одатларини олиб бориши учун хона мавжуд бўлган. Қалъанинг кириш қисмидан қарши томонга узунлиги 30 метрли марказий кўча бошланиб, бош оташгоҳга олиб борган. Мазкур кўча қалъани икки маҳаллага ажратган. Бир-бирлари ички кўчалар билан бирлашган 200 га яқин уй-хоналари жойлашган. Шу билан бирга қазиши вақтида Анахита ва Митраларнинг ҳайкалчалари топилган [16]. Демак, Ёнбошқалъа Бозорқалъа бош шаҳри бўлган мазкур атамадаги маданий-хўжалик маркази тизимидағи микровоҳанинг диний-мафкуравий маркази бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Тошхирмонтепа милоддан аввалги IV аср охири- III аср бошларида қурилган бўлиб, милодий I асрга тўғри келган [17]. Тошхирмонтепа фикримизча, тўғрибурчакли катта ҳажмли (20x16) хона ибодатхона бўлган. Археолог Қ.Собиров хulosасига кўра Тошхирмонтепа мазкур атамадаги микровоҳанинг диний-мафкуравий маркази бўлиб, зардуштийликнинг ақидалари бажарилган муқаддас жой бўлган [18].

Хоразм вилояти Шовот туманидаги Катқалъа қишлоғи худудида Шовот каналидан чиқарилган ёрмиш суғориш иншооти тизимида жойлашган Тупроққала фаолияти икки тарихий санадан иборат. Биринчи тарихий санаси миллоддан аввалги V аср охири IV аср бошида III аср Мудофаа девори билан ўраб олинган. Иккинчи тарихий сана мил.ав. I милодий III аср. Унинг айланна шаклда бунёд қилиниши Воянган маданий-хўжалик марказининг антик дунёси диний-мафкуравий маркази бўлган. Тадқиқот натижаларига кўра, ёдгорликнинг девор бўйлаб жойлашган 5 та уй хонаси очиб ўрганилган. 1, 3, 4- 6 хоналаридан лойдан ясалиб, оловда пиширилган Анахита ҳайкалчалари очилган [19]. Тупроққалъа коҳинлари диний маросимларни ўтказиш билан бирга осмон жисмлари ҳаракатларини кузатиш ишларини олиб боргандар [20]. Бундан келиб чиқадики Хоразм воҳасида антик даврда осмон жисмларини ўрганиш илми анча тараққий этганлигидан нишонадир.

Археолог Қ.Собиров хулосасига кўра Тупроққалъанинг диний-мафкуравий вазифаси милодий IV арсда барҳам топган бўлиб, диний-мафкуравий марказ Воянган шаҳарига кўчган [21]. Диний марказларнинг бошқа жойларга кўчиши бу албатта зардуштийлик динининг кенг ёйилиб ривожланишидан далолат беради.

Элхарос ибодатхонасида узун даҳлизнинг икки томонида жойлашган саждагоҳларда иккита токча бўлиб, бирида оташгоҳ, иккинчисида эса маъбуд ҳайкали турган [22]. Деворларига рангтасвирлар ишлатилганлигига қараганда бу ибодатхонада турли илоҳлар шаънига олов ёқиши ва курбонлик келтириш маросимлари ўтказилган деган тахминга келиш мумкин.

Хоразмликларнинг ғоявий ҳаётида антик даври зардуштийлик диний эътиқодлари сақланиб қолади. Дастребки давр остадонлари антик даврдаги хилма-хилликни сақлаб қолган. VI асрдан бошлаб остадонлар маълум андазага қатъий амал қилиниб, тўртбурчак шаклига келтирилади. Остадонлар асосан лойдан, қисман тош ва алебастранд ишланган. Остадонлар сиртига марҳум исми шарифи ва унинг руҳига яхши тилаклар битилган. Айрим остадонларнинг сиртига марҳумга аза тутиш одатлари билан боғлиқ бўртма тасвирлар солинган.

Кўзалиқир манзилгоҳининг юқори қалъасида майдони йирик иморат мажмуасини тадқиқотчи олимлар саройнинг ўрни бўлганлигини тахмин қилишган. Унга яқин жойда томонлари 7x2,5 метр ўлчамдаги хом ғиштдан кўтарилилган таг курси ўрин олган бўлиб, унга зиналар орқали чиқилган бўлиши мумкин. Таг курсининг атрофида анчагина жой кул билан қопланган, яқин атрофида эса майин кул билан тўлдирилилган чуқур ўра бўлган. Бу ҳолат қадимги ўтрок дехқон жамоаси аъзолари диний қарашларида оловнинг муқаддаслаштирилиши билан боғлиқ жараён бўлиб, муқаддас олов учун тоза ўтин ёқилган,

унинг кули тоза жойда сақланиши учун маҳсус ўралар қазилган. Ўрта Осиё худудида муқаддас олов кулини кўмиш ҳолати Мурғоб воҳасининг бронза даврига оид Гонуртепа ёдгорлигига аниқланган [23].

Қадимги ҳалқлар тасаввурларида олов ёвуз руҳлардан халос этувчи ва сув эса улардан тозаловчи унсири сифатида қадрланган. Бу эса кейинчалик ўлқада шаклланган зардуштийлик динининг асосини ташкил этувчи илк оташпаратлик каби марказлашган диннинг шаклланиши жараёнидан далолат беради.

Хоразмнинг жанубида жойлашган Хумбузтепа ёдгорлигидан топилган кўзанинг тутқичида шернинг боши тасвири туширилган. Шернинг бошига қизил ангоб суртилган. Бундай кўзалар Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган Жонбосқалъя, Бозорқалъя ёдгорликларидан, чап соҳилдаги Кўзалиқир, Қалъалиқир 1,2 каби ёдгорликлардан ҳам топиб ўрганилган бўлиб, улар милоддан аввалги IV-III асрларда кенг тарқалган. Сегментсимон шаклли қапқоғининг сарғиши ангоб устига қизил бўёқда нақшлар солинган. Милоддан аввалги IV асрларда шер бошининг кенг тарқалишини М.Г.Воробьев Олд Осиё, эҳтимол Миср билан бўлган маданий алоқаларнинг таъсирида вужудга келган ҳолат, деб ҳисоблади [24]. Бундан шуни кўриш мумкинки ўша пайтларда Хоразм давлатчилиги анча тараққий этганлигини билдиради. Бу маданий алоқалар Марказий Осиёнинг аҳамонийлар давлати таркибига кирган даврларда шаклланиб, Хоразмнинг мазкур давлатлар билан олиб борган алоқалари натижасида шер бошли маъбудлар пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин. Балки шер бошли маъбудлар бизнинг ўлкамизда вужудга келиб кейин тарқалган бўлиши ҳам мумкин. Чунки шер азалдан кўп ҳудудларида қудрат тимсоли ҳисобланган.

Хумбузтепа ёдгорлиги топилмалари орасида бўртма тасвиirlар туширилган сопол бўлаги муҳим ўрин эгаллайди. Сопол бўлагида афсонавий ҳайвоннинг тасвири келтирилган. Кўринишидан бу тасвирида аждарнинг шакли келтирилган. Бундай шаклдаги сопол бўлаги Хоразмда учрамаган, биринчи марта Хумбузтепа ёдгорлигига аниқланган.

Бу нарса заргарларнинг металлдан заргарлик буюмларини ясайдиган қолип вазифасини бажарган. Бу бевосита сак ва аҳамонийлар санъати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қадимги Хоразм маданиятининг нодир наъмуналаридан бири саналади. Балки бу келтирилган аждар тасвири Зардуштийлик дини билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Сиртида қурол ушлаб турган отликнинг тасвири туширилган сув идиш бўлаги ҳам топилган. Бошқа бир сув идиш бўлакларида дараҳт тасвири ва иккита тик турган оху ҳамда бутасимон ўсимликлар тасвири берилган. Мазкур дараҳт қадимги шарқ ҳалқларида ақидаларда учрайдиган “хаёт дараҳти” бўлиб, унинг атрофидағи ҳайвон билан бирга тасвиirlаниши анъанасининг илдизлари узоқ қадимиятга бориб тақалади [25].

Қадимги Хоразм ёдгорликларида учраб туралган моддий ашёлардан ритонлар мухим ўрин эгаллади. Хумбузтепа ёдгорлигидан топиб ўрганилган топилмалар орасида ҳайвон тасвири (отнинг бошига ўхшаш) туширилган ритонлар ҳам мавжуд. Ритонларга обдон ишлов берилиб, сиртига қизғиши ангоб суртилган. Унинг бўйи қисмида тешиги мавжуд. Бундай ритонлар Қадимги Хоразм ўлкасининг Кўйқирилганқалъя ва Ойбуйиркалья каби айрим ёдгорликларида учрайди.

Ритонлар Ўрта Осиёнинг барча ўтроқ дехқончилик ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, ташки томонидаги тасвиirlари ва ясашда ишлатилган хом ашёси билан фарқ қиласи.

Жанубий Туркманистондаги антик даврга оид Нисо кўхна шахридан ҳам милоддан аввалги II-I асрларга оид фил суягидан ишланган ритонлар аниқланган. Нисо ритонлари фил суягидан ясалган. Уларнинг ҳам пастки қисмида ҳайвон тасвири берилиши билан биргаликда, юқори қисмида Олимп худоларининг тасвири келтирилган [26]. Бу бевосита қадимги Ўрта Осиё халқлари маданияти анъаналарида умумийлик бир-бирига яқинлик борлигидан далолат берип, ташки алматларидағи ўзига хослик маҳаллий халқлар маданиятининг маълум ташки таъсири даражаси билан боғлиқлигини кўриш мумкин.

## ХУЛОСА

Хоразм воҳаси азалдан илм-фан маданият бешиги, “Авесто” 2700 йил мукаддам шу заминда вужудга келган деб хулоса чиқаришга асослар етарли. Зардустийлик дини пайдо бўлгандан кейин унинг бевосита расм-руsumларини адo этиш учун хоразмликлар ижтимоий-иктисодий ҳаётини ўзига хос тарзда ривожлантириб бордилар. Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида таъкидлаганидек хоразмлик дехқонлар миср коҳинларидан осмон жисмларини яхши тушунарди деган фикри уларнинг илми ва эътиқоди кучли эканлигидан дарак беради. Турли жойдан келган босқинчилар Ўрта Осиё халқлари тарихини изсиз ўчириш, бойликларини талаш, моддий ва маданий ёдгорликларини йўқ қилиб, ўзларини устун қўйишга ҳаракат қилганлар. Бундай ҳолатлар ҳам Зардустийлик динининг шаклланишиб ривожланишига тўсқинлик қила олмаган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: “ Ўзбекистон ”. 1998. – 530-531 бетлар.
2. Benveniste E. L'Eran-vez et l'origine legendaire des Iraniens // Bulletin of the School of Oriental Studies University of London. 1933. 7. - P. 265-274.
3. Gershevitch I. The Avestan Hymn to Mithra. Cambridge, 1959. - P. 14.
4. Hinz W. Zaratustra. Stuttgart, 1961. - P. 27.
5. Толстов С.П. Древний Хорезм: Опыт историко-археологического исследования. – М., 1948. – С. 19-20.

6. Гафуров Б.Г. Таджики. –М., 1972. – С. 59-60.
7. Абаев В.И. Миф и история в гатах Зороастра // Историко-философические исследования. –М., 1974. – С. 320.
8. Дьяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV в. До н.э. -М-Л., 1956. – С. 48-54. Он же. Очерк истории древнего Ирана. – М., 1961. - С 361.
9. Воробьева М.Г. Проблема “Большого Хорезма” // Этногеография и археология Средней Азии.- М., 1979. – С. 32-42.
10. Сагдуллаев А.С. О первых государствах Средней Азии // ТДМК. – С., 1995. – С. 39-40.
11. Итина М.А. Новые стоянки Тазабагябской культуры // МХЭ, Вып 1. – М.: “Наука”. 1959.
12. Аскаров А. Сапаллитепа. - Т.: “Фан”. 1973. Он же. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. - Т.: “Фан”. 1977. Аскаров А, Абдуллаев Б. Джаркутан. - Т.: “Фан”. 1983.
13. Усманова З. Древний Мерв /// Тр ЮТАКЭ. - А., 1963.
14. Вишневская О.А. Раскопки на городища Кюзели-гыр. АО, 1971. - М.: “Наука”. 1972. – С. 533-534.
15. Толстов С.П. Древности Верхнего Хорезма...1941.- С. 160-166
16. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: “Наука”. 1948. – С. 88-92. Он же. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М-Л.: “Наука”. 1948. – С. 89. Собиров Қ. Хоразминг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. - Т.: “Фан”. 2009. – 43-44 бетлар.
17. Ходжаниязов Г.Х. Фортификация древнего Хорезма (VI в до н э- IV в н э) АКД. - Н., 1996. – С. 7.
18. Собиров Қ. Хоразминг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. - Т.: “Фан”. 2009. – 56-60 бетлар.
19. Мамбетуллаев М.М. Топраккалья Шаватская (раскопки 1979-1980). Археология Приаралья. – Т.: “Фан” 1986. – С. 31.
20. Ходжаниязов Г. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. -Т.: “Ўзбекистон” 2007. – С. 52-53.
21. Рапопорт Ю.А. Религия Древнего Хорезма // Науч.докл. Представленный в качестве дис. На соискание ученой степени доктора исторических наук. –М., 1991. –С. 44.
22. Сарианиди В.И. Маргуш. Ашгабад., Йым. 2006. С-164.
23. Мамбетуллаев М. Керамическая плитка с изображением фантастических животных из Хумбузтепа. // ОНУ, 1975, №3. С-47-49.
24. Древнейшая государства Кавказа и Средней Азии. Москва., 1985. С-242.